

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 80 (10.385)

2005 ЙИЛ 25 АПРЕЛЬ

**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кунни**  
Янгликлар, воқеалар

**ҚИСҚА  
сатиқлар**

- «КАМОЛОТ» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти, Тошкент Ахборот технологиялари университетида «Очик эшиклар кунни» тадбири ўтказилди.
- УТГАН кунни Тошкент меҳнат ҳўжалик коллежида ўтказилган «Қизлар ибоси» мавзусидаги давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими томонидан уюштирилди.
- ТОШКЕНТ тўқимачилик ва енгил саноат институтида Яққасарой туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.
- МИРЗО Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг Маданият саройида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловида фалсафа ва ўзбек филологияси факультетлари талабалари беллашди.
- ХАМЗА қурилиш касб-хўнар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Хамза туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Огоҳлик — муқаддас бурч» деб номланди.
- БЕКТЕМИР туман ҳокимлигида «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ҳамкорликларида мактаблар ўқувчилари ўртасида «Нотиқлик санъати» кўрик-танлови уюштирилди.
- ЯҚҚАСАРОЙ туман ҳокимлигида фаоллар, ёшлар, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида «Нуроний» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида «Икки авлод учрашуви» мавзусида тадбир ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

## ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Тошкентда мамлакатимиз бозорида Германия ва Италиянинг етакчи фирмаларидан саналган «AnTa Ltd» компанияси ташаббуси билан тош ва мәрмар қазиб олиш ҳамда уни қайта ишлаш масаласига бағишланган халқаро семинар ўтказилди.

— Европалик ишбилармонлар қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасини модернизациялашда қатнашибгина қолмай, балки маҳаллий мутахассисларга ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг замонавий услубларини ўргатишга ҳам тайёр, — деди Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Факултетида ва мухтор элчисининг биринчи котиби Манфред Шулер семинарнинг

очилиш маросимида.

Тош ва мәрмар қазиб олиш ҳамда уни қайта ишлашга ихтисослашган Ўзбекистондаги йилгиримдан зиёд корхона мутахассислари ва раҳбарлари Европанинг «W.Diamant», «Simec», «Marini», «Abra lide», «Ghines» каби етакчи фирма ва компанияларининг иш тажрибаси ва маҳсулотлари билан танишишди.

«Уқурилимизматериаллари» уюшмаси раиси

Юртимизда бунёдкорлик кўламининг ортиб бориши, яъни улкан иншоотлар, турар жой бинолари, мактаб, лицей ва коллежлар, йўл ҳамда замонавий кўприкларнинг қад ростлаши сифатли, рақобатбардош қурилиш ашёлари ба бўлган талабни оширади.

### Бунёдкорлик

## БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган ана шундай қурилиш материалларидан самарали фойдаланиш эса тез ва соз бунёд этишда кўл келмоқда. Ана шуну ҳисобга олган пойтахтимиздаги «Норудда» акциядорлик жамияти тадбиркорлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қурилган аниқ чора-тадбирлар, белгиланган дастур асосида жамоада айна кунларда қурилиш учун зарур бўлган шағал ва кум қазиб олинди, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар пойтахт ва Тошкент вилояти қурилиш объектларига жўнатилмоқда, яъни буюртмачилар талаби тез ва соз бажарилмоқда. Корхона мутахассислари мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўламининг ортишини ҳисобга олиб ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан йилга юксалтиришга эришмоқда, чунки корхонада тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ортиб бораётгани ҳисобга олинмоқда.


Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш дастурига кўра 2002 йилда 463 минг куб метр маҳсулот тайёрланган бўлса, 2003 йилда ушбу рақам 400 минг куб метрдан ошди. Утган йилда 1 миллион куб метр маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилиб, қурилиш ишлари ривожига муносиб ҳисса қўшилди. Жорий йил режасига кўра эса 1 миллион 200 минг куб метрдан зиёд норудда қурилиш ашёлари тайёрлаш йўлида гайрат-шижоат сарфланмоқда. Бунинг учун эса тад-



биркорлик билан иш юртилиб, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда корхонада қайта ишлаш асосида тайёрланаётган маҳсулот турлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бош бошқармаси, «Кўприкқурилиш» трести буюртмаси асосида тайёрланиб, қурилиш объектларига етказиб берилмоқда. Шунингдек таъкидлаш ўринлики, бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот сифатига қаратилмаётган катта эътибор бос корхонанинг қурилиш ашёларига қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар ортиб борапти. Қозоғистон давлати билан 500 минг куб метр қурилиш материаллари етказиб беришга шартнома имзоланганлиги ҳам бунинг аққол далилидир.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий омил эса замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш эканлигини тўғри англаган мутахассислар корхона цехларини техник қайта жиҳозлашга эътибор қаратишмоқда. Шунингдек, мавжуд техника воситаларини янгилаб бориш босқимчаси амалга оширилмоқда. Яқин кунларда тош майдалаш ускуналарини янгилаш кўзда тутилмоқдаки, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот харидорғирлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ана шунинг учун Санкт-Петербург шаҳридаги янги технологиялар маркази билан ҳамкорлик қилиб 2 та замонавий тош майдалаш ускунасини сотиб олиш режаланган. Ушбу режа яқин кунларда амалга ошади. Герма-



ниядан эса юксак унумли юк ортиш мосламалари келтириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда музокаралар олиб бориляпти.

Корхонада ана шундай кўзланган режалар амалга ошса, нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, балки қўшимча ишчи ўринлари яратишга ҳам муваффақ бўлинади. Янги ускуна ва механизмлар қуввати, маҳоратли кадрлар тажрибасидан фойдаланиб меҳнат қилиш эса ютуқлар самарасини таъминлаши, шубҳасиз. Акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари эса ўз меҳнатлари билан юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги га муносиб ҳисса қўшаётганидан фахрланишади. Зеро, уларнинг бугунги кунда қад ростлаётган ҳар бир иншоотда улушлари бор.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТЛАРДА: маҳсулот ортилган машиналар объектларга йўл олди, энергетик Асрорхон Тоҳировнинг корхона ютуқларида муносиб ўрни бор.  
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Собир Эргашев корхона фаолиятининг асосий йўналишлари ва келажакдаги режалари хусусида гапириб берди. Уюшма маҳсулотларига ички бозорда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам талаб катта. Улар ишлаб чиқарган мәрмар плиталар Франция, Россия, Тожикистон ва Қозоғистон республикаларига экспорт қилинади.

Семинарда мамлакатимиздаги тош ва мәрмар қазиб чиқариш ҳамда уни қайта ишлаш соҳаси корхоналари раҳбарлари билан Германия ва Италия компаниялари ўртасида узаро манфаатли ҳамкорлик хусусидаги масалалар муҳокама қилинди.

Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА,  
«Туркистон-пресс»

**XXI сағоси**  
Барча мейбонлардан  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг Фарғона вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Термиз шаҳридаги «Алпомиш» стадионида кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VII халқаро турнир ҳамда ўзбек курашининг икки йўналиши бўйича фахрийлар ўртасидаги биринчи жаҳон чемпионати ниҳоясига етди.

● Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан бу ерда «Зиёкорлар боғи» ташкил этилди. 3,5 гектар ерга 4 минг тулпан ортик турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

● Урганч шаҳрида республикаимизнинг барча вилоятларидан келган ўзбек тили фани ўқитувчилари, «Она тили дарсликлари муаллифлари ва олимлар иштирокида «Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш» мавзусига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● Самарқандда халқ таълими тарбияга қарашли мактабгача таълими муассасалари ходимлари ўртасида «Йил тарбиячиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Қорақўл туманидаги спорт иншоотлари сони яна биттага кўпайди. Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида умумий қиймати 350 миллион сўм бўлган янги спорт мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

### Жаҳонда

● Эквадорда давлат тўнтариши рўй берди. Президент Луис Гутьерреснинг истеъфосини талаб қилган намоийшчилар мақсадга эришди. Эквадор Президенти вазифасини бажаришга мамлакат Бош вазيري ўринбосари Альфредо Паласио кирди.

● Хитой жануби-ғарбида жойлашган энг йirik шаҳарлардан бири — Чунцинда жойлашган кимёвий фабрикада рўй берган портлаш оқибатида корхона боноси бутунлай вайрон бўлди, 19 киши исзис йўқолди, 10 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

● Польша прокуратураси полициянинг Варшавадаги омборидан 20 килограмм микдордаги, нархи тахминан 1 миллион доллар атрофида бўлган кокаин ўғирлангани ҳақидаги ишни ўрганмоқда. Кизиғи шундаки, ўғрилган омборда гиёванд модда ўрнига шунча микдордаги шакарни қолдириб кетишган.

**Оламда нимс ган?**

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Греция парламентининг махсус сессиясида депутатлар кўпчилик овоз билан Европа Иттифоқи конституциясини маъқулладилар. Шундай қилиб Греция умумиттифоқ конституциясини ратификация қилган олтинчи давлат бўлди.

● Покистон Президенти Парвез Мушарраф ва Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида икки томонлама савдо алоқаларини ривожлантириш тўғрисида ўзаро келишиб олинди. Давлат ва ҳукумат раҳбари Кашмир масаласидаги хилма-хил қарашларга чек қўйилиши борасида узил-кесил бир фикрга келишди.

● 1603-1605 йилларда жаҳонга машҳур ёзувчи Сервантес ўз уйида «Дон Кихот» асарини ёзиб тугатган эди. Испаниянинг Вальядолид шаҳрида ана шу уйнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маълумки, бу йил бутун дунёда мазкур романнинг 400 йиллиги нишонланмоқда. Икки йил муқаддам Ослодаги Нобель институти ўтказган сўровнома натижаларига биноан «Дон Кихот» инсоният тарихидаги энг зўр бадиий асар деб топилган эди.

● Маълумки, Беслан фожеаларини уюштирган 31 террорчидан бир нафари тирик қолган эди. Шимолий Осетия Олий суди Чеченистоннинг Ножай-Юрт районидан бўлган 24 ёшли Нурпаша Кулаев устидан суд жараёни шу йил 17 май кuni бошланишини маълум қилди. Россия оммавий ахборот воситаларининг ёзишчида дастлаб биронта ҳам адвокат суд ишида уни ҳимоя қилишни ўз бўйича олишни истамаган. Россия Бош прокурори ўринбосари Николай Шепелнинг сўзларига қараганда унга ҳуқуқшунос Сикоев адвокат этиб тайинланди. Кулаевга қотиллик, террорчилик, бандитизм, ўқ отар қуроллари, портловчи моддаларни ноқонуний асраш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимининг ҳаётига суиқасд қилиш каби айбловлар қўйилган.

● Қобулда ўзбек ва афгон киночилари ҳамкорлигида суратга олинган «Абрхо» («Булутлар») фильмининг тақдимо маросими бўлиб ўтди. Янги фильм томошабинларга Афғонистон маданият вазири ўринбосари Муҳаммад Станакзай, «Афгонфильм» кинокомпанияси раиси Латиф ва киноасар ижодкорлари гуруҳи томонидан тақдим қилинди. «Жайхунфильм» афгон кинокомпанияси раҳбари Сиддик Обидий сўзларига қараганда фильмда оддий афгон оиласининг мамлакатда «Толибон» ҳаракати ҳукмронлик қилган йиллардаги тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.



Азим Тошкентимиз гўзал ва бетакрор қиёфа касб этмоқда. Бугун шахримизнинг барча ҳудудларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, янгиланишлар, аввало аҳоли фаровонлигини, юртимиз ободлигини таъминлаш, пойтахтимизни жаҳондаги энг замонавий шаҳарлардан қилишмайдиган масканга айлантиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

## ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУДАЙСИК

Айни кунларда «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси тасарруфидаги қурилиш бўлинмалари ишчи-



хизматчилари томонидан Ш.Рашидов ва Д.Кунаев кўчаларида трамвай йўлларини ётқизиш ишлари ўз муддатларида удаланди. Режага кўра, Амир Темур кўчасига бўлган йўлларни бир-бирига туташтириш, яъни 1,7 километр узунликда темир йўл шпаллари ётқизиш ишлари кунга кеча тугалланиб, бугундан асфальтлаш бошлаб юборилди.

Режадаги ишларни аниқ бажаришда 270 нафар қурилиш бўлинмалари ҳамда 200 нафарга яқин «Автойўл» концернининг малакали йўлсозлари гай-

рат кўрсатишмоқда. Шунингдек, ишнинг сифат ва самардорлигини таъминлашда 100 дан ортиқ йўл қурилишида қўлланиладиган техника-механизмлар, дастгоҳ ва ускуналар қурувчиларга ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий кўчасидаги барча ишлар ҳаракат оқими тўхтатилмаган тарзда амалга оширилмоқдаки, бундай ҳолларда кўли гул бунёдкору ҳайдовчилардан нафақат ишчанлик, балки касбий маҳорат, ниҳоятда диққат-эътиборли, ҳамжиҳат бўлиш талаб қилиниши сир эмас, албатта. Шу боис ҳам ишни узлуксиз олиб бориш мақсадида ишчи-хизматчиларга барча қулайликлар яратилмоқда.

Тез суръатларда амалга оширилаётган ишлар натижаси, албатта трамвай ҳайдовчилари ҳамда ушбу хизматдан фойдаланувчи йўловчиларни мамнун этиши, шубҳасиз.

**МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:** қизгин иш бораётган участкалардан лавҳа.

## ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Бугунги кунда Ватан ҳимоячиси бўлишга муносиб мард, жасур, ватанпарвар ёшларни вога етказиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса Тошкент шаҳар ҳокимининг 2004 йилдаги «2004-2005 ўқув йилида ўсмирларни қаҳриққача тайёрлаш вазифалари тўғрисида»ги қароридан сўнг ўсиб келаётган ёшларни ҳарбий хизматга ҳар томонлама тайёрлаш ишларига янада эътибор кучайтирилди.

Қуролли Кучлар сафига қақриш ва тайёрлаш вақтида ҳарбий- ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш мақсадида жойларда тантанали кузатиш ва кутиб

олиш маросимлари, ҳарбий хизматга қақрилувчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, кўрик-танлов ва қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва шаҳар Халқ таълими бош қармаси ҳамкорликда ўқув муассасаларида ёшларни қаҳриққача тайёрлаш фани бўйича «Энг яхши ўқув-моддий

### Маънавий

## ҚИЗИҚАРЛИ ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Яқинда Тошкент Ислон университетиде «Терроризм ва экстремизмга қарши маънавий-матрифий асослар» мавзуда ёшлар форуми бўлиб ўтди. Унда Ўрта Осиё минтақасидаги давлатлардан вакиллар иштирок этди. Минтақавий ёшлар форумида Ислон университети талабалари ҳам фаол қатнашишди.

Форумни ЮНЕСКО маслаҳатчиси Комилжон Орипов очиб берди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раис ўринбосари Қаҳрамон Куронбаев ҳам мавзуга оид ўз фикрларини билдирди.

Форумда Осиё минтақасидан 26 вакил иштирок этиб, улар ўзаро фикр алмашиб, бир-бирларининг дунёқарашларини билиб олдилар. Шу кунги форум иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, диннинг нотўғри талқин

қилиниши, ёшларнинг тушунар-тушунмас турли оқимларга кириб кетаётганлари, терроризм, экстремизм ва ишсизлик каби муаммолар ҳақида фикрлашиб, ўзига хос ечим ва тавсиялар ўшлаб чиқдилар. Масалан, Ўрта Осиё

давлатларида ўзаро барча дипломларни тан олиш ҳақидаги конвенцияни тузиш ва қабул қилиш, маданий стратегик дастурлар тузиш, Интернетда ЮНЕСКО портали остида суб-портал ташкил этиш, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида ЮНЕСКО клубини ташкил этиш ҳақидаги таклифлар билан чиқиди.

Бахс ва мунозаралар билан ўтган анжуман барчада яхши таассурот қолдирди.

**НОДИРА НИЗАМОВА,**  
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими

## «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

## «БУ УЙЛАР КИМНИКИ?»

Газетамизнинг 2005 йил 2 март сониде эълон қилинган «Бу уйлар кимники?» деб номланган мақолада пойтахтимиздаги «Абдуғаффор-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидаги кўп қавали уйлар ва уларнинг ён-атрофларидаги нохуш ҳолатлар танқид қилинган эди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Б.Раҳмонов имзоси билан тахририятимизга юқоридеги камчиликларни бар-тараф этиш юзасидан қуйидаги жавоб хати келди:

«Абдуғаффор-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатидаги уйларда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Беруний кўчасидаги 5-уй атрофидаги чинор даракхтлари шохлари кесилиб тартибга келтирилди. Уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмалар олиб ташланиб, атрофлари ободонлаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, шу кўчадаги 3-уйда яшовчи Л.Қувватова ўз хонадониде ноқонуний ўзгариштилар киритгани натижасида деворлари дарз кетганлиги аниқланди.

Шунингдек, 1, 3, 5-турар жой биноларидаги чакка ўтаётган хонадонлар томлари ва сув тушадиган тарновларни таъмирлаш ишлари жорий йилнинг 3-чорагида бажарилиши ширкат режасига киритилди.

## «АВТОБУС ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСА...»

2005 йил 14 мартда газетамизда юқоридеги сарлавҳа билан эълон қилинган мақола бўйича «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Т.Дадабоев қуйидагича жавоб йўллаган:

«Автобус қатнови йўлга қўйилса...» мақоласи компанияда кўриб чиқилди. Шуни маълум қиламизки, ҳозирги кунларда 68-автобус йўналишида барқарор йўловчилар оқими вужудга келган бўлиб, қатнов йўлининг таклиф этилаётган усулда ўзгаририлиши «Марказий Офицерлар уйи» бекати билан транспорт алоқасига салбий таъсир этади. Бу, албатта, кўпгина йўловчиларга ноқулайликлар тугдириб, кўплаб шикоят ва эътирозларга сабаб бўлиши аниқ.

Айни пайтда эса 68-автобус йўналишининг Матбуотчилар кўчаси орқали қатнашининг ташкил этилиши учун ўриндикли, соябонли транспортга чиқиш-тушиш жойлари, яъни бекатлар қурилиши лозим. Бундай бекат қурилиши эса маҳаллий ҳокимиятларга тегишли масала эканлигини маълум қиламиз».

базаси» кўрик-танловини ўтказди.

Танлов ниҳоятда серзавқ, айни вақтда масъулият ва жиддий тайёргарлик билан ўтди. Иқтидор ва салоҳият, юқори тайёргарлик намуналарини кўрсатган қатор ўқув муассасалари юқори ўринларни эгаллаб, қатнашчилар совғалар билан тақдирланди.

Натижаларга кўра биринчи ўринни Юнусобод туманидаги 86, иккинчи ўринни Шайхонтоҳур туманидаги 180, учинчи ўринни Сергели туманидаги 300-мактаблар кўлга киритди. Касб-ҳунар коллежлари бўйича эса биринчи ўрин Акмал Икромов туманидаги Тошкент қурилиш-коммунал КХК, иккинчи ўрин Ҳамза туманидаги Ҳамза қурилиш КХК, учинчи ўрин Сергели туманидаги Тошкент молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига насиб этди.

**Барно ШЕРБОВА**

Буюк асарлар замон ва макон сарҳадини тан олмайди, дейишади. Дарҳақиқат, улуг адибнинг бебаҳо ижоди ҳам ҳеч қачон ўз кадр-қимматини йўқотмайди. Кишиларни эзгуликка даъват этишда, айниқса ёш авлоднинг инсонпарварлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда Ойбек ижоди катта аҳамиятга эга.

*Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан*

## АДИБНИНГ ИБРАТ МАКТАБИ

Филология фанлари доктори, профессор Наим КАРИМОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Ойбек ижодига муносабат мутақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилиниши улуг адиб ижодига эҳтиром намунаси бўлди, — дейди олим.

Бинобарин, Ойбек ижодий меросининг ҳақиқатини, кашф этилмаган қирралари бисёр. У нафақат атоқли ёзувчи ва ҳассос шоир, балки йирик олим ва публицист, моҳир таржимон сифатида ҳам ўчмас из қолдирди.

Ойбек асарлари, айниқса, «Навий» романи ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган, қайта-қайта нашр этилган, дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган.

— Буюк адибларнинг бошқаларга ўхшамаган, фақат ўзигагина хос жиҳатлари, ижод услуби, ҳаёт тарзи бўлади...

— Адабиётшуносликда «услуб инсоннинг ўзидир» деган ақида бор. Ойбек ҳам беназир инсон, ижод соҳиби эди. Унинг сийратидagi гўзаллик, самимият ва камтарлик асарларида яққол акс этган.

Ойбекнинг аксарият қаҳрамонлари ўз умрини адолат, ҳақиқат ва эзгуликка бахшида этган. Бироқ улар жуда кўп адолатсизлик, ноҳақ-

ликларга рўбарў келадилар. Разолат, зулм ва бедодликка қарши матонат билан курашадилар.

Ойбек ўз табиатидаги олижаноб фазилатларни қаҳрамонлари қалбига кўчира олди. У асарларида халқ ҳаёти, турмуш тарзини кенгроқ очиб беришга, тарихий воқеликни ҳақоний ва холис акс эттиришга интилди. Шу боис Ойбекнинг бошига не-не кўргуликлар тушмади, дейсиз.

Ойбек табиат манзараларини, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари, кечинмаларини теранлик ила тасвирлайди. Мутлола асносида китобхон асардаги воқеалар, қаҳрамонлар билан ёнма-ён яшайди, қубонади, қайғуради. Умуман, Ойбек ўзбек романчилигида ҳам, шеъринида ҳам ўз истеъдодини тўла намоён эта олди, бу борада ўзига хос мактаб яратди.

— Ойбек ва Навоий. Бу икки буюк сиймони бир-бирига боглаб турадиган жиҳатлар кўп...

— Улуг адиб ижодий фаолиятининг катта қисмини Навоийни ўрганиш ва ўргатишга бағишлади. У Навоий даҳосига қайта-қайта мурожаат этди. Бир қанча илмий мақолалар, «Гули ва Навоий» достони, «Бола Алишер» кассасини ёзди.

Устознинг буюк мутафаккирга чексиз муҳаббати, руҳий яқинлиги самараси уларок, «Навий» романидек шох асар дунёга келди. Адиб Алишер Навоий образини яратиш устида узок йиллар тинимсиз изла-

ниш олиб борди. Ўша давр тарихи, адабий муҳити, манбаларини кунт билан ўрганди.

Ойбек Темурийлар даврининг чуқур билимдони эди. Мовароуннахр ва Хуросондаги маънавий юксалишининг манбалари Соҳибқирон Амир Темурга бориб тақаллини яхши англади. Шу боис умрининг сўнгги давларида Амир Темурга бағишланган дoston ёзишга киришди. Амир Темуру номи бўлган ва тақрирлар остида қолган бир пайтда у Соҳибқирон ҳаётини ҳақоний тарзда ёритишни ният қилади. Афсуски, у дostonни ниятлашга улгуролмади. Ойбекнинг Бобур Мирзо ҳақидаги дostonи ҳам чала қолди...

Шу кунларда, кутлуг сана арафасида Ойбекнинг бир қатор асарлари қайтадан нашрга тайёрланяпти. Яқин кунларда «Ойбек замондошлари хотирасида» тўплами ўқувчилар қўлига етиб боради. Камина қаламига мансуб «Ойбек ва Зарифа. Муҳаббат ва садоқат қиссаси» китоби ҳам тез орада чоп этилади.

Қиссаси, юбилей сабабли Ойбек ижодига қайтадан мурожаат қилиш, ўқиш-ўрганиш, таҳлил этиш имкони яратилди. Зеро, Ойбек каби улуг адиблар ижоди мунтазам мутлола қилишга арзийдиган, халқимизнинг бебаҳо маънавий хазинасидан жой олган асарлардир.

**ЎЗА МУХБИРИ  
РУСТАМ ЖАББОРОВ  
СУХБАТЛАШДИ.**



*Мағбирлар*

## САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТАРИ

Давлатимиз томонидан инсон соғлиги-саломатлиги, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга берилётган эътибор ва ғамхўрликни жойларда ўтказилаётган қатор кўрик-танлов, тадбир, учрашув ва қизиқарли мусобақалар орқали ҳам ҳис этишимиз мумкин.

Хусусан, ёш авлоднинг соғлом ўсиши, ўқув юрталари ўқувчиларини санитария-гигиена асослари ва биринчи тиббий ёрдам беришга ўргатиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш ва ҳуқуқий онглари-ни ошириш мақсадида ҳар йили шаҳримизда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақалари ўтказиб келинади. Қизил Ярим Ой жамияти Ҳамза туман кенгаши, халқ таълими, ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг туман бўлими ва ҳамкорлигида ўтказилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг туман босқичидан ҳам айнан юқоридаги жайри мақсадлар кўзланди.

Тумандаги 30 та умумтаълим мактаблари ва урта касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўзаро беллашган ушбу мусобақада катнашчиларнинг билим савияси, топқир ва чаққонлиги, иқтидори ва зуққолиги

синовдан ўтди. Улар сафда туриш, рапорт бериш, санитар сумкасидаги жиҳозларни ва кундалик дафтари текшириш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, юқумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш, доривор ўсимликлар ва уларни қўллаш, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти, йўл ҳаракати қоидалари ва ниҳоят бадиий қисм — Қизил Ярим Ой жамияти ва тиббиётга, «Сихат-саломатлик йили»га бағишлаб тайёрланган сахна кўринишларидан иборат 8 та босқич бўйича ўз мактаблари шарафини ҳимоя қилдилар.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси йилдан-йилга такомиллашиб, янгиликлар билан бойиб, ўқувчилар орасида унга қизиқш ва интилиш ортиб бормоқда, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти Ҳамза

туман Кенгаши раиси Санобар Октабаева. — Мақсадимиз эртанимиз давомчилири бўлган фарзандларимизни ҳар жиҳатдан уқули, таълим-тарбияли қилиб вояга етказишга ҳисса қўшишдир.

Тумандаги ҳар бир мактабда Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган. Улар ўқувчи-ёшлар билан 26 соатлик дастур бўйича дарс олиб борадилар, мусобақаларга тайёрларлик кўрадилар. Ва бир йил давомида олган билимларини мусобақаларда синовдан ўтказадилар.

Мусобақа кўтаринкилик билан қувнок руҳда ўтди. Бош ҳакам Михаил Грачёвнинг таъкидлашича, ғолибларни аниқлаш осон бўлмади. Йигилган баллар умумлаштирилганда 166 ва 161-мактаблар ғолиб бўлганликларини аниқланди. Иккинчи ўрин 231, 61, 151-мактабларга тасула, учинчи ўрин эса 226, 151, 244-мактабларга насиб этди.



Коллежлар ўртасида эса биринчи ўринни Қурилиш касб-хунар коллежи, иккинчи ўринни Авиасозлар коллежи эгаллади. Шунингдек, мусобақада деворий газеталар кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди. Унда 166-мактаб биринчи, 161, 231-мактаблар иккинчи, 61, 151, 156-мактаблар учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Мусобақа ғолиблари ва барча катнашчилар Фаҳрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**ШОИРА МУҲАМЕДОВА  
СУРАТЛАРДА: Ҳамза туманида ўтказилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасидан лавҳалар.**

**ҲАКИМЖОН СОЛИХОВ  
ОЛГАН СУРАТЛАР.**

*Мунозага, мунозага*

## КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР ЎЙЛАШГА АРЗИГУЛИК МУАММО

Ҳаётда муаммолар кўп учрайди. Уларнинг йириклари ҳам, майда-чуйда, икки-чакирлари ҳам бўлади. Биз тилга олмоқчи бўлган ҳолат ҳам балки кимлар учун икки-чакир ҳисобланар, лекин майда-чуйда деб биз унчалик назарга олмаган мана шу нарсалардан катта муаммолар келиб чиқади.

Тунов куни кечки пайт йўловчи автобусга чиқдик. Ишдан қайтар вақт бўлгани учун машина салони тижинч эди. Аксарият олдинги ўриндиқларни ёшлар эгаллаб олишган. Уларнинг ҳеч ким билан иши йўқ, бир-бирларига гап сотиш билан овора.

Автобус ҳар бекатда тўхтаганида қариялар, болали аёллар у ёқда қўлиб, ёшлар олдинги эшикка ўзларини уришади. Хайдовчи эса йўловчиларни чипталарни кўрсатиб олдинги эшикдан тушишларини талаб қилади. Тиқиланчдан эса олдинга ўтиб бўлмайди. Хайдовчи буни кўра-била туриб: «Ҳой ёшлар, сизлар орқа эшикдан чиқинглар, олди эшикдан тушаётганларга халақат беряп-сизлар» деб қўймайди. Шундайларга ҳеч бўлмаса биз: «Ҳой азизлар, олдинги эшикдан фақат қариялар, ногиронлар, болали аёллар чиқиши мумкин. Сизлар орқа эшикдан чиқсангиз бўлаверадим», деб эслатиб қўйгимиз келди.

Яна бир масала. Бу ҳам бўлса хайдовчининг кабинасига кириб олиб, улар билан ҳуда-беҳуда гап сотадиган йигит-қизлар ҳақида. Биласизки, жамоат транспортти хайдовчилари кабинасининг тепасига: «Ҳаракат давомида хайдовчи билан гаплашманг» деган ёзув осиб қўйилган бўлади. Лекин унга ҳамма баравар риоя қилавермайди. Бир машинада бораётган йўловчиларнинг ҳаёти хавфсизлиги ўша транспорт рулини бошқараётган хайдовчига ишониб топширилганлигига қарамай, баъзилар бўлар-бўлмасга хайдовчига сўз қотишади, уларнинг хаёлини бўлиб суҳбатга тортишади. Кўпинча эса ун-тўрт тенгқурлар кабинага кириб олиб хайдовчи билан бемалол гаплашиб, қулишиб боришаверадилар. Бу бекорчиларнинг ҳатто тушар жойларининг ҳам тайини йўқ. Ахир юқори тезликда бораётган машина хайдовчиси бир зумгина хаёл паришонликка берилса кутилмаганда бирор фалокат юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмаску. Шундай экан, ўзгалар қўли рунда, кўзи йўлда бўлган хайдовчининг ҳеч қачон хаёлини бўлмаслиги керак.

**КОДИР ЮСУПОВ**

## ЭШИГИ КУЛФ ДЎКОНЛАР

Йўловчилар гавжум жойларда, бекатларда, ҳар қадамда хусусий дўконлар кўзга ташланади. Лекин уларнинг кўпчилигида аниқ иш соати белгиланмаган. Дўкондорлар хоҳлаган вақтида ишга келишади. Баъзан эса кунлаб дўконни очилмайди. Бундан фойдаланган майда-чуйда, хусусан писта, курт ва қанд-қурсларни сотувчилар дўкон эшиги олдига ўтириб олиб савдо-сотикни кучайтириб юборишади. Ҳозирги ёшлар айниқса пистага ўч. Улар дарҳол чўнтақларини тўлғазиб олиб бемалол писта пўчоғини бекатга ташлабверишади. Шундайлар орасида ёши катталарни, башанг кийинган аёлларни ҳам учратасиз. Баъзан эса улар транспортда чиққанларида ҳам писта қақшидан тийилмайдилар, пўчоғини бемалол салонга тупуришга ийманмайдилар.

Эшигига кулф осиглиқ шунақа хусусий дўконларнинг иш вақтини белгилаб, йўловчилар гавжум бекатларда писта сотишни таққлаб қўйишнинг иложи йўқмикин?

**МАҲАМАД ОЛИМОВ**

## ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Яқинда оиламиз билан улуг мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий номи билан аталувчи Миллий боғни сайр қилгани бордик. Халқлар Дўстлиги саройи орқасидан боғ томон кириб борар эканмиз, бу ердаги ўзгаришларни, янгиланишларни кўриб лол қолдик. Қисқа муддат ичида боғ шу қадар кўрган кўзни яшнанадиган даражада кўркам ва фусункор бўлиб кетибдики, таърифлашга тил ожиз.

Яшилликлар оламиндан баҳра олиб оҳиста қадам ташлаймиз. Уртада Навоий бобомиз бу ерга ташриф буюрувчиларни боққа чорлаб тургандек савлат тўкиб турибди. Ҳазратга таъзим бажо айлаб мовий кўл томон қордик. Йўл бўйидаги охишна, қулаш ҳолатига келиб қолган эски музей ўрнида яшил зоналар, пидеалар йўлчаларни пайдо бўлибди. Бир сўз билан айтганда, боғ бутунлай ёшарган.

Боғнинг Бешёғоч майдони томон қараган эшигидан чиқиб 51-автобус тўхтайдиган бекатга ўтмоқчи бўлдик. Катта йўлни кесиб ўтишининг иложи йўқ, транспорт қатнови гавжум. Шунинг учун ер ости йўлига тушдик. Тушдигу ҳайрон бўлиб қолдик. Бу ерда боғда кўрганларимизнинг бутунлай акси бўлган манзара ҳўм сурадди. Ер ости йўли қоронғу, биймадик, бу ердаги ёритишлар қачон янгиланган экан. Атроф ифлос. Хўллас биз айтмайлик, сиз қўйманг. Ахир боққа сайр қилиш учун шу томондан келган кишилар, меҳмонлар, шу йўлакдан ўтишадику. Улар бу ердаги ахволни кўриб нима дейишаркин? Бу ҳақда тегишли мутасаддилар ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

**ҲОТАМ АСКАРОВ**

Экологик тарбия инсон маънавияти каби оилада шаклланиши...

Пайгамбаримизнинг «Кимки дарахт экса ва уни муҳофаза...

нинг юрагида одамлилик, саводатлилик ва олижаноблик мавж...

Азалий қадриятларимиздан ҳисобланмиш «Гул сайли», Наврӯз байрами, «Меҳржон»...

Сув — бу бизга табиат томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо неъмат...

Меҳнаткорлик

СУВ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Инсоният доимо табиат қўлида фаолият кўрсатади. Табиат билан узвий алоқада бўлади...

этиш ва унинг ёрдамида атроф-мухитта минтақавий ва глобал миқёсда тўғри баҳо бериш имкониятини яратади.

нинг асосий мақсади ер юзидаги сув манбаларини назорат қилишдан иборат.

ҳозирги вақтга қадар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ташкил толган кундан бошлаб...

рини, ер ости сув ҳавзаларини соғломлаштириш ва ифлосланишининг олдини олиш мақсадида турли режалар ишлаб чиқилмоқда.

Шаҳримиз ҳудудидан 100 дан ортиқ турли каналлар оқиб ўтади. Хусусан, Бўзсув, Бўржар, Анҳор, Салор, Қорасув, Қорақамиш каби каналлар энг йирик ирригация тизимини ташкил этади.

залирига турлича таъсир кўрсатадилар. Бундай корхоналар ичида очик сув манбаларига қикинди оқава сувларни ташлайдиган, шунингдек, бу сувларнинг турли даражада ифлосланишига йўл қўяётган хонадонлар ҳам мавжуддир.

Мустақил Республикаимиз олдида табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш каби улкан вазифалар турибди. Сув — бизнинг бойлигимиз, табиат томонидан берилган бебаҳо неъматдир. Уни ифлослантирмасдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир. Д.СУЛТОНОВА, кўмита нозир.

Муносибат

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

XXI асрга қадам қўйилган бир даврда жамият билан табиат ўртасидаги муносибатларда содир бўлаётган зиддиятлар инсон саломатлигига анча пугур етказмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш, экологик муаммолар ҳозирда давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланганлиги ҳам бежиз эмас.

Табиатни муҳофаза қилиш муаммоларни назорат қилишимизни ҳам давр билан тақозо этмоқда. Бу эса экологик мониторинг тизимини ташкил...

Узимизга савол бериб кўрайлик, фарзандларимиз билан бирон маротаба табиат, уни асраш ҳақида сўхбатлашганми? Ҳайвонларга меҳр-шафқатли бўлиш, ҳаттоки ҳашаротларга ҳам озор етказмаслик ҳақида фарзандларимизга ўқитганми? Ушбу саволларга ижобий жавоб бера олмас эканмиз, олдимишга қўйган мақсадимизга эришиб бўлмайди.

«Табиат бежиз онага қиёсланмайди. У ҳам она каби муқаддас, она каби азиз бўлмоғи лозим. Негадир ҳозир аксарият инсонлар табиатни қадрламай, уни беҳурмат қилмоқдалар. Гуллаган шох-шаббаларни синдириш, экинларни пайҳон қилиш одатлари ҳар кун ҳаётимизда учраб туради.

«Подшо бўлсанг ҳам, гадо бўлсанг ҳам боғ яратгин, зеро бир кун мевасини тотурсан». Ушбу сўзлардан кўриниб турибдики, не-не жангу жадалларда кураги ерга тегмаган. Соҳибқирон боғ яратишининг хайрли иш эканлигини тан олган. Чунки кўчат эккан, боғ яратган инсонлар ёмон иллатлардан ҳоли бўладилар, улар...

«Табиат бежиз онага қиёсланмайди. У ҳам она каби муқаддас, она каби азиз бўлмоғи лозим. Негадир ҳозир аксарият инсонлар табиатни қадрламай, уни беҳурмат қилмоқдалар.

«Табиат бежиз онага қиёсланмайди. У ҳам она каби муқаддас, она каби азиз бўлмоғи лозим. Негадир ҳозир аксарият инсонлар табиатни қадрламай, уни беҳурмат қилмоқдалар.



№4 (156) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси

Меҳнаткорлик

ЖАРИМАЧИЛАР

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари тез-тез жойларда бўлишиб, у ерда олиб борилаётган ободончилик ишлари билан танишадилар, йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар юзасидан маслаҳат берадилар.

• Нозирлар «Мартенс трейдинг СО» корхонасида бўлганларида бу ерда ишдан чиққан люминисцент ёриткичлар ўз вақтида зарарсизлантирилмаганлигининг шохиди бўлиши.

• «Энергомахсусавто» корхонасида маиший чиқиндилар тўпланиб қолган. Уларни ўз вақтида корхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш чоралари кўрилмаган.

• «Сувмаш» корхонасининг 1-цеҳида бўяш ишлари очик жойда олиб борилган.

• «Орзу-пластик» корхонаси раҳбари ўринбосари А.Муҳамедов корхона ҳудудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ва ишдан чиққан люминисцент лампаларни ўз вақтида зарарсизлантириш чораларини кўрмагани учун 19 минг сўм жаримага тортилди.

• Фуқаро С.Қўличев эса кўмитанинг руҳсатсиз дарахт кесилишига йўл қўйган. Бу ноҳижо холат унинг ҳисобига 19590 сўм жарима ёзиш билан тугалланди.

• «Безак» корхонасининг сифат бўйича муҳандиси А.Сропенц ҳисобига люминисцент лампаларни зарарсизлантирилмаганлиги учун 10 минг сўмлик жарима ёзилди.

• «Совпластитал» корхонаси бош муҳандиси Р.Содиқов ишдан чиққан кундузги ёриткич лампаларни ўз вақтида зарарсизлантириш чораларини кўрмаган. Бу ҳолат корхона ҳисобига 19590 сўм жарима ёзиш билан ниҳояланди.



Табиатни инсонга инъом этган буюк неъматлардан бири — ҳаётдир. Инсон ер юзини кўз очиб кўрган қунданок то умрининг охиригача она заминда яшаб умр кўради.

ҲАЁТ МАНБАИ

Кейинги йилларда шаҳримизнинг санитар ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш йўлида талай юмушлар қилинмоқда.

Бу эса ҳозирги кунда гуллар шаҳрига айланётган гўзал пойтахтимиз мусавфо ҳавосининг ифлосланишига олиб келади. Бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари ўз туманларида маҳалла фаоллари, аҳоли ўртасида, мактабларда, ўқув масканларида, корхона, ташкилотларда экологик тарғибот ишларини кучайтириб бир қатор давра сўхбатларни ўтказиб келмоқдалар.

А.МИРЗАҚОСИМОВ, Собир Раҳимов тумани нозир.

Муҳофаза

ТОЗА ҲАВО — ТАНГА ДАВО

Абу Али ибн Сино айтганидек, агар ҳавода чанг-ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшаши мумкин экан. Зеро, табиатнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири атмосфера ҳавоси бўлиб, у тирик организмнинг яшаши учун жуда ҳам зарурдир.

Ҳаво таркибини асосан азот, кислород, водород, карбонат ангидрид, аргон ва бошқа газлар ташкил қилади. Инсониятга, қолаверса, барча жонотларга ҳаёт бахш этадиган атмосфера ҳавосини, асосан антропоген манбалар ифлослантиради.


Ҳавонинг тозаланишида ёгинлар катта роль ўйнайди. Улар қанча кўп бўлса, ҳаво таркиби ҳам шунчалик тоза бўлади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи табиий

омилларга тоғ жинсларининг емирилиши, вулконларнинг отилиши, ўрмонларга ўт кетиши натижасида атроф-мухитга зарарли таъсир этувчи табиий офатларни киритиш мумкин. Ҳавонинг ифлосланиши айниқас экологик шaroитларнинг ниҳоятда ёмонлашувига олиб келади.

Ҳулоса шуки, ҳавонинг доимо тоза бўлишига эришиш ҳар бир табиатдан фойдаланувчининг энг эзгу мақсади бўлиши керак.

А.РАСУЛОВ Миробот тумани нозир.



ДАРАХТГА ПАРВАРИШ КЕРАК

Кунлар исиб кетиши билан айрим дарахтларнинг қишдан шикастланиб чиққанини кўриш мумкин. Бунинг аломатлари асосан дарахтларнинг пўстлоғида намобён бўлади.

Агар дарахт шохини совуқ урган бўлса намликка кўпроқ эҳтиёж сезади, шунинг учун бундай пайтда табиий ўғитини суялтириб, уни сув билан сўғориш лозим. Совуқ урган шох пўстлоғини шилиб ташлаб, унга оч қизил тусли марганцовка суякличги сепилади, сўнггра лой чапланлади. Яра тезроқ битиб кетиши учун уни бўз мато ёки ёмғирдан сақлаш мақсадида плёнка билан ўраган маъқул.

Дарахтнинг зарарли ҳашаротлардан тозалаш ҳам асосий юмушлардан. Чунки кўёш қиздириши билан улар ўз уяларидан чиқиб кўртлақлар, ғунчалар, ёш баргларга «ҳужум» қила бошлашади. Бундай пайтда касалланди, нозик новдаларни кесиб ташлаш, ҳашаротлар уя қурган жойдаги пўстлоқни шилиб, уларни ёқиб юбориш лозим.

Агар зарарли ҳашаротлар кўп бўлса уларни маҳсус кимёвий воситалар ёрдамида йўқотиш тавсия этилади. Хусусан олма ва нок дарахтлари учун 10 литр сувга 200 грамм нитрофен моддаси солинган эритма ишлатилади.

Шарқ дурдоналари



- Инсон — олам бегази
- Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. Шундагина у инсон деган юксак унвонга лойиқдир.
- Инсон — бир бутун олам, фақат ундаги асосий туйғу олижаноблик бўлса бас.
- Ҳаёт — бу бетўхтов камолотдир.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтиди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут, одамларни гийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни қайғу-ғамга ташлама. Ўз кадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Утиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуглар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни куйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бекорчи одамлар билан қўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб, обрўингни тўкма. Ўзига бино қўйчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, жангу жадалдан қоч. Сенга иш буюрсанг бажар, ваъда қилсанг, албатта унинг удрасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма.

Байт:  
**Мен инсон деган**  
**улуг фикр-ла,**  
**Ҳамиша кўксимни**  
**тутаман баланд.**

● Қаноатли киши ўзининг ҳар бир сўзи ва ишида ҳалолдир.

● Ирода одамзоднинг фарқи белгисидир, фақат ақлгина иродани бошқариш учун абадий қолидадир.

● Қаноатли бўлмаган одам ҳеч қачон ўзига ўзи хўжайинлик қила олмайди.

● Улуг кишиларнинг ёқимли хислатларидан бири қаноатдир. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Акинча, кишида қаноат бўлмаса, топган-тутганига сабр қилмай, кўпига интиласа, оқибат хорлик азобини тартади. Шунинг учун ҳам айтилди:

**Бўлса агар суву**  
**парча қотган нон,**  
**Ўзга касасига**  
**кўз тикма, инсон.**

**Бўлсанг агар**  
**тожу тахт учун муҳтож,**  
**Заминни тахт деб**  
**бил ва кўшини тож.**

Доно кишилар эса: «Қаноат туганмас бойлиқдир, қаноатли киши ҳеч қамбағал бўлмайди, чунки унинг ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадога ўхшайди, унинг ҳамма нарсаи бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса деб одамлар олдида бош эгади», дейдилар.

Байт:  
**Бировнинг олдига**  
**боргандан нон деб,**  
**Уйда жим ўтирмак**  
**яхшидир жон деб.**  
**Ҳар ким тавма йўлни**  
**тутса агар пеш,**  
**Оқибат бир қуни**  
**бўлгуси дарवेश.**

Баҳор кўеши ўзининг заррин нурларини таратаётган, навбазор — Наврўз насили дилларга ором бағишлаётган шу куни эрталабданок карнай-сурнай садолари мактабда ўтказиладиган маърифий-муסיқий кечага бу ерга тақлиф этилган азиз меҳмонларни чорлар эди. Бинокорлар қўлида сайқал топиб таъмирдан чиқарилган ушбу билим масканининг тантанали маросимлар ўтказиладиган залига тумандаги мактабларнинг раҳбарлари, шoirу санъаткорлар, илм-фан, маданият намояндалари тўпландилар.

— Бугунги маросимимиз, — деди кечада сўз олган 128-мактаб директори Эльмира Хўжаева, — номи маорифимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган ажойиб устозимиз Тоир Дадашевнинг порлоқ хотираларига бағишланганлиги билан қадрлидир. Бугун умрини фарзандларга билим беришдек, уларнинг қалбига зиё бағишлашдек қутлуғ ва улуг ишларга бахшида этган устозимизнинг табарруқ номлари билан билим масканимизнинг аталиши ҳар биримизнинг қалбимизга бир олам қувонч ва фахр-ифтихор бағишлайди. Фарзандларини айтишчи, Тоиржон акамиз айни шу кезларда юртимиз узра кезиб юрган баҳор фаслини жуда хуш кўрар эканлар. Уларнинг таваллуд кунларининг апрель ойининг биринчи санасига тўғри келишида ҳам қатта рамзий маъно бор. Шу боисдан бугун биз ушбу маросимимизни мўтабар устозимизнинг ёрқин хотираларига бағишланганидан гоят мамнунимиз. Уларнинг эл-юрт олдида қилган қатта хизматларини алоҳида фахрлиниб тилга оламиз.

— Устозимизнинг ўша ўшаган садақатли шогирдлари бехисоб. — деди кечада сўз олган кекса педагог, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Нуриддин Иброҳимов, — улардан биз касбга фидойиликни, одамларга меҳр-муруватли бўлишни, камтаринликни ўргандик. Менинг ўзим салкам ярим аср мобайнида фарзандларимизга таълим-тарбия бердим. Шу ўринда ўтган йилги Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлган ҳажжонли воқеани сизларга айтиб бермоқчиман. Бу ерда ўтказилган маросимдан қайтаётган чоғимда мени сочлари қордек оппоқ бўлган бир аёл келиб бағрига босди. Бундан ҳайрон ва ҳайратда эдим, азизлар. Бунчи сезган ҳалиги аёл «Ҳайрон бўлманг, азиз устозим, мен сизнинг қўлингизда таълим олган қалдирғоч шогирдингизман, мактабни олтин нишон билан битиришимдаги хизматларингиздан умрбод миннатдор бўлиб юрган ўқувчингизман», деб ўзини таништирди. Шунда менинг кўзларимда секинча ёшлар пайдо бўлди. Устоз учун бундан ортқ бахт борми, ахир. Тоиржон акамиз ҳам мен учун, минг-минглаб ёшлар учун ана шундай мўтабар устоз эдилар. Биз шогирдлар уларнинг руҳи-поклари олдида доимо таъзимдамиз.

— Ушбу қутлуғ даргоҳга ҳар куни қадам

кўяр эканман, ёшлигим, илк меҳнат фаолиятим, устозларим кўз олдимдан ўтаверди, — дея сўз бошлади халқ таълими фахрийси Тўлқин Каримов. — Ушбу мак-

лигидан далолат беради. Худога шукр, олий маълумотлисан, қўшимча билиминг, соҳа бўйича малаканг бор. Озми-кўлими ҳаётини тажрибага эгасан. Юқоридаги раҳбарлар асосан мана шу хусусиятларга қараб баҳо берадилар, далад бўл, ўғлим, — дедилар.

Хуллас, тайин этилган вазифада раҳбар ҳузурига кирдим. У киши ўрнидан туриб, қўл бериб саломлашди, сўнг қўроғлардан кўзини олиб, сўз қотди:

— Хўш, Шукрулла Тоир ўғли, ишлар яхшимми?

— Раҳмат, домла, — дедим ҳаяжон билан.

— Сиртдан сиз билан танишиб чикдим. Энг муҳими, касб-корингиз, раҳбарлик фаолиятингиз бўйича сизга устоз, маслаҳатгўй, ноёб мутахассис бор. Бу сизнинг отангиз Тоир Дадашев бўлади. У киши маорифни жуда мукаммал билдилар, инсонлар қалбига яхши ном қолдирган, жуда кўпларга устозлик қилган, жумладан, шаҳсан менга ҳам.

Сухбат тугаб, йўлакка чиқдим. Қўлимдаги ҳужжатларга нигоҳ ташладим. Унда ҳозиргина суҳбатда бўлган раҳбарнинг розилик аломатини билдирувчи имзоси турарди...

Кувонч билан уйга боргач дадажоним ўз ҳузурларига чорлаб шундай насихат қилдилар:

— Ўғлим, сен қутлуғ даргоҳга раҳбар бўлишдек бахтга эришинг. Сен меҳнат фаолиятингни бошлайдиган даргоҳ жуда муқаддасдир. Маорифчи бўндай даргоҳга нафақат жисмоний пок бўлиб, балки қалбини ҳам поклаб қадам ташлаши даркор.

Раҳматли қилбоғҳимнинг касбимга берган илк фотиҳалари ана шундай эди. Умр бўйи ўз ишимни ана шу фотиҳага мос даражада олиб бораётганлигимдан секинман ва фахрланман...

Хуллас, шу кунги мактабда ўтказилган маърифий-муסיқий тадбир ўз касбининг чин заҳматқоши, қатъиятли раҳбар, яхшилик ширини дилига жо айлаган минг-минглаб шогирдларнинг гамхўр устози, Тоир Дадашевнинг ёрқин хотираси ёдланганлиги билан барчада мароқли таассурот қолдирди.

Маросимга тўпланганлар таниқли шoirи ва адиб Шукр Дадашнинг падади бузруквори хотирасига бағишлаб чиқарилган «Маърифатга бахшида умр» рисоласини ҳам заъқ билан варақлаб, кўздан кечирдилар.

Мароқли ўтган маърифий-муסיқий маросимга Муқимий номидаги Ўзбек Давлат муסיкали театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғунжон Бекназаров, хушовоз хонанда Раъно Ўразбоева ихросидаги қўшиқлар, мактаб ўқувчилари томонидан саҳналаштирилган адабий композиция ва шўх рақслар ўзгача файз ва тароват бағишлади.

**Солиҳ ЁҚУБОВ,**  
**Ўзбекистон Республикасида**  
**хизмат кўрсатган маданият ходими.**  
**СУРАТДА: маорифимизнинг чин заҳматқоши Тоир Дадашев.**

*Хотира қўзғонса қўзғандир*

**ЯХШИЛИК ШИОРИН ДИЛГА ЖО АЙЛАБ...**

**Пойтахтимиздаги намунали билим масканларидан бири — Чилонзор туманидаги Тоир Дадашев номли 128- мактабда ўқувчиларга пухта таълим-тарбия бериш билан бир қаторда мунтазам равишда маърифий-муסיқий тадбирларни ўтказиш ҳам яхши анъаналарга айланган. Яқинлашиб келаётган Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан бу ерда ўтказилган маросим ҳам жуда мароқли кечди...**



табда болалар етакчиси сифатида иш бошлаганимга роппа-роса 40 йил тўлибди. Шу жамоада ўқитувчи, сўнгра раҳбарлик лавозимларида ишладим. Шу ишларнинг барчаси маорифимиз даргаси, биз учун доим барҳаёт Тоир ака Дадашевнинг оқ фотиҳалари билан амалга ошган. Тоиржон ака ҳамма учун бирдек инсон, айниқса, биз каби ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилардилар. Бир воқеа ҳеч эсимдан чикмайди. Мени 114-мактабга раҳбарлик лавозимига тавсия этишди. Очиғи, бироз хайқидим, чунки қатта мактаб, қатта жамоа эди. Шунда устознинг «Тўлқинжон, иккиланманг, эплаб кетасиз, қолаверса мен қўлимдан келган ёрдамимни аямайман», деган сўзлари менга далда бўлди. Тоир ака бу мактабда 9 йил ишлаб, унинг моддий томонларини бойитиб, ажойиб, ахил жамоани ташкил этиб, менга топширган эдилар. Биргина менга эмас, балки жуда кўп кишиларга доим мадад беришни устозимиз ўз бурчларни деб билардилар. Ушбу даргоҳ мен учун муқаддасдир, мактабга берилган устознинг муборак номлари мен учун гоят қадрлидир.

— Масъулиятли вазифага номзодим кўрсатилган кезлар эди, — деб хотирлайди устознинг тўнғич ўғиллари, таниқли шoirи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Шукр Дадашев. — Юқори ташкилотларнинг бошлиқлари билан бўлган суҳбатлардан ўтдим, ишнинг ечимни охиригича нуфузли идоранинг раҳбаридан қолган эди. Ўйлаб-ўйлаб охири дадамларга ийманиброк муурожаат этдим:

— Дада, негадир ҳаяжонланяпман, балки сиз у кишини танирсиз, агар бир оғиз... — дея охиригича сўзини айтишга журъат етолмай қайналдим. Шунда дадам мулоимлик билан:

— Ўғлим, бирор лавозимни эгаллаш учун таниш-билишни орага қўйиш ўша инсоннинг кўрсатилган мансабга лойиқ эмаслигидан, фаолиятида бирор нуқсонни бор-

**ТУМАНДА “КАМАЛАК” АНЖУМАНИ**

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги “Қамалак” болалар ташкилотининг навбатдаги 4-анжумани ўтказилди.

Анжуман туман мактабларидаги “Қамолот” ва “Қамалак” сардорларини бирлаштириш, мактаб ва жамоат ишларида фаол қатнашган ёшларни тақдирлаш, шунингдек, ўқувчиларнинг ўз иқтидорларини намойён этишига қўмақлашиш мақсадида ташкил этилди. Унда тумандаги 290,293,289

ва 291-мактаблардан ўқувчилар ўзларининг бадиий ва маданий дастурлари билан иштирок этишди. Бектемир туманининг 16 нафар Сардорлар Кенгаши аъзолари ҳам саҳна кўринишлари билан чиқдилар.

(Ўз мухбиримиз)

**“НОТИҚЛИК САНЪАТИ” ТАНЛОВИ**

Тошкент политехника касб-хунар коллежида “Нотиқлик санъати” кўрик- танловининг Миробод тумани босқичи бўлиб ўтди.

— Маълумки бир неча йилдан буён юртимизда “Нотиқлик санъати” кўрик- танлови аънаванавий тарзда босқичма-босқич, муассаса, туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилиб келинмоқда, — деди Тошкент шаҳар “Маънавият ва маърифат” маркази-

нинг Миробод туман бўлими раҳбари Г. Набиева. — Миробод туманида ҳам ушбу кўрик-танловнинг биринчи босқичи барча муассасаларда ўтказилди ва голиб деб топилган нотиқлар кўрик-танловнинг туман босқичида беллашишмоқда.

Танлов якунига кўра, Тошкент Политехника касб-хунар коллежининг талабаси Камолдин Топилов голиб деб топилди ва шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритди.

**Алишер АЗИМОВ,**  
**“Туркистон-пресс”**

*Маънавият*

**ФОЛИБЛАР— РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА**

Махшур ёзувчи Ганс Христиан Андерсен таваллудининг 200 йиллиги республикамизда ҳам нишонланмоқда. Шу сана муносабати билан ёш китобхонлар учун ишолар танлови ўтказилмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ўзаро ҳамкорлигида уюштирилган бу тадбир Тошкент шаҳрида ҳам яхши натижа кўрсатди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методик маркази ўқувчилар томонидан ёзилган ишоларни кўриб чиқди. Ёзувчи Андерсен эрталари қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилувчи ёзма ишлардан бир нечтаси голиб деб топилди. Юнусобод туманидаги 211-мактаб ўқувчиси Шербек Воҳидов ишонси эса биринчи ўринни эгаллади. Фолиблар ишолари танловнинг республика босқичига тавсия этилди.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Шунақаси ҳам

бўлади

СОХТА ЧИПТА  
ТАЙЁРЛОВЧИЛАР

Италия пойтахтида автобус билетлари ишлаб чиқарадиган бир гуруҳ жиноятчилар мавжуд.

Шаҳар автобуса билет нарининг оширилишига қарамадан, сўнгги ярим йил мобайнида транспортдан тушадиган маблаг йигирма фоизга камайиб кетди. Мутахассисларнинг фикрича ҳозирги кунда автобуса сотиладиган билетларнинг бешинчиси — қалбақидир. Рим полицияси қанча ҳаракат қилмасин, қалбаки билет тайёрловчилар ҳали қўлга тушганлари йўқ.

МОНГОЛЬФЬЕ  
— ҲАВО ШАРИ

Иссиқ ҳаво билан тўдрилган ҳаво шарларини Монгольфье деб аташади. Чунки уни 1787 йилда ака-ука Монгольфельдер ихтиро қилишган. Орадан 7 йил ўтгач Чехияда бундай шарлар билан учиб машқлари бажарилган.

Ҳозирги кунда Прагада синтетик толардан тўқилган замонавий ҳаво шарларида учиб бўйича мусобақалар уюштирувчи "Баллон-клуб" мавжуд. Клуб ўтган йили Польша, Венгрия, Австрия, Швейцария, Германия ва Нидерландия мамлакатларининг ҳаваскорлари иштирокида «Дустлик кубоги» мусобақасини ҳам уюштирган.

САРИҚ ИБЛИС  
ВАСВАСАСИ

1896 йилда Канададаги Клондайк дарёсидан олтин зарралари топишган эди. Шундан сўнг машҳур олтин васвасаси бошланди. Минглаб одамлар уй-жойларини сотиб, ишларини ташлаб "ёрқин бахт" излаб йўлга чиқдилар. Ҳақиқатан, қилмаларидан бойиб олиш насиб этди. Бироқ аксарият кўпчиликнинг омади чопмади.

Бу васваса анча сўнган бўлса ҳам ҳали тугаганча йўқ. Ҳали ҳанузгача Канада ва Алясканинг дарё ҳамда ирмоқларида кўплаб саргузашт ишқибозлари олтин қидирмоқдалар. Бир пайтлар "олтин пойтахти" номи билан машҳур бўлган Доусонда ҳар ёз ойида олтин қидирувчилар мусобақаси ўтказилади.

Ғолиблар жуда антиқа ва ўзига хос соврин — Финляндияда ўтказиладиган олтин қидирувчилар жаҳон чемпионатига йўлланма билан тақдирланадилар.

Дунё халқларининг ўзига хос урф-одатлари, орзу-ўйлари ва кечинмалари билан кўпроқ ўша халқларнинг адабий асарлари орқали кенроқ танишиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, адабиётни тарғиб қилиш ва у орқали дунёда ўз ўрни ва овозига эга бўлиш ишида таржиманинг ўрни беқимсиздир.

Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети қошидаги адабий таржималар клубининг фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ўтган йилнинг ўрталарида шакллана бошлаган клуб ўз олдига ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга ҳамда жаҳон адабиётини ўзбек тилига таржима қилишни мақсад қилиб қўйган. Клубга инглиз, немис, турк ва француз тилларидан ўзбекча ва ўзбекчадан шу тилларга таржима қила оладиган, адабиётни жону дилдан севувчи, янгиликка интилувчи ўқитувчи ва талабалар аъзо бўлишган.

Чет эл адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржимаси билан иш бошлаган клуб аъзолари эндиликда ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намоёндалари асарларини хорижий тилларга ўгиришни ҳам астойдил бошлаб юборишди.

Ўтган қисқа вақт ичида жаҳон адабиётида ўнмас из қолдирган Шекспир, Стивенсон, Польш Элларва қаби классик ижодкорлар билан бир қаторда, замонавий адабиёт намуналаридан ҳам талайгина асарлар ўзбекча-

Умрни оқар сув деганлар. Тез орада Карина ҳам улғайди. Пойтахтнинг 242-мактабининг 9-синфида ўқий бошлади. Йиллар ўтгани сайин йигитларнинг унга муносабати илиқлаша борди. Улар орасида Баҳодир Хакимов деган Каринага тенгқур йигит ҳам бор эди. Кўп ўтмай йигит ва киз ўртасидаги муносабат жиддийлаша борди. Табиийки у севиғи-муҳаббат эмас эди. Бу ҳолатни ёшликка хос ҳавас деб атасак тўғри бўлади. Шу боисдан бўлса керак улар жанжаллашиб қоладилар. Баҳодир ёшлиғига бориб қизни ҳақоратлайди. Карина эса у билан бўлган гап-сўзларга тухмат, бўхтон аралаштириб онасига ҳасрат қилади.

Шуни ҳам айтиш керакки Виолетта муайян ҳаётий таърибга эга бўла туриб қизини тартибга қақриш ўрнига пашшадан фил ясайди ва Б.Хакимовни қасддан ўлдириш мақсадида Нурилло Хожиакбаровга мурожаат қилади. Виолетта турмуши бузилганидан сўнг ўзини бутунлай тақдир измига топшириб қўядиган анойи аёллардан эмасди... Яъни, она-бола Камоловалар истиқомат қиладиган С.Раҳимов тумани, 3-У.Тансиқбоев даҳасидаги хонадонда Виолеттанинг яқин "дўсти" Нурилло Хожиакбаровнинг яшашини таъкидлаш жоиз. Н.Хожиакбаров муқаддам бир неча мартаба судлана, қонунда белгиланган жазоларга тортилганди. Эндиликда унинг жонига амнистия оро кирганди.

Шундай қилиб, баҳор кунларининг бирида Б.Хакимовнинг бўлажақ қотиллари — В.Камолова ҳамда Н.Хожиакбаровлар гани бир жойга қўйишиб, Баҳодирни ўлдириш мақсадида хонадон соҳибасининг собиқ турмуш ўртоғи А.Камоловнинг уйига сим қоқишади.

— Ҳўш, мендан нима истайсизлар? — дейди Андрей уларнинг нияти оидинлашган.

— Андрей, азизим, йўқ дема, — дейди Виолетта собиқ ёстиқдошига тилёғламлик қилиб. — Ахир Карина сенинг ҳам фарзандинг-ку?! Нахотки, биздан ёрдамнинг аясанг.

Андрей розилик беради. Эртаси кун у соат 12.00 ларда маст ҳолатда гандираклаганича Виолеттанинг уйига кириб келади. Шундай бўлсада Андрей шериклари билан мулоқот қилиш учун ўзида куч

Мил — дил қилиши

ИЗЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИК  
САМАРАЛАРИ

га ўгирилди. Американинг ҳозирги замон шеъриятдан Жон Эшбери, Кристофер Мэррил, Айзек Сулливан, Янги Зеландия шоираси Вивьен Пламб ижодидан, ҳинд шоирлари Раживан Ткачом Пойил ва Тирумалеш, чилилик шоир Курт Фолч ва яна ўнлаб бошқа халқлар шоир ва ёзувчилари ижодидан намуналар ўзбек тилига ўгирилди. Ўзбек тилидан эса XX аср бошлари адабиёти, хусусан, Чўлпон ва Усмон Носир шеърлари, ҳозирги замон шеъриятининг Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Усмон Азим, Баҳром Рўзимухаммад каби 50 дан ортик вакиллари ижодидан намуналар инглиз тилига ўгирилиб, китоб ҳолида нашр қилинди.

Бундан ташқари, Шўхратхон Имяминова ва Ҳафиза Кўчқоровалар немис адабиётдан таржималарни нашр эттиришди. Клуб аъзолари фақат таржима билан чекланиб қолмасдан, жаҳондаги адабий таржима мактаблари ва адабий уюшмалар билан ҳам алоқаларни фаол йўлга қўйиб олишган. Масалан, ўтган йилнинг охирида клуб аъзоси Аъзамжон Обидов Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган

бутунжаҳон шоир ва ёзувчиларининг анжуманида иштирок этиб қайтди. Бунинг натижасида ҳозирги кунда дунёнинг 30 дан ортик мамлакатидеги ижодкорлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Америка, Аргентина, Бангладеш, Малайзия каби мамлакатлар бундай алоқаларни чуқурлаштиришга алоҳида қизиқиш билдиришмоқда. Ўзбек адабиётининг Интернетдаги махсус сайти ҳамда жаҳон шар ва ёзувчиларининг сайти орқали эндиликда ушбу клуб аъзоларининг ва ўзбек адабиёти вакиллариининг ишларини бутун дунё ўқий олади.

Таниқли ижодкорлар клубнинг доимий меҳмонлари саналади. Бошловчи таржимонлар унда устозларнинг адабий таржима маҳоратига оид маърузалари, амалий машғулотлар орқали ўз маҳоратларини ошириш имконига эга бўлишади. Клуб ҳамма учун очик, ўзбек адабиётини дунёга таништириш, жаҳон адабиётини халқимизга етказиш ишига бел боғлаган фидойи ёшларни бу даврада кўриш мароқлидир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

жасади солинган кути кечкунун Қичқариқ канали бўйига олиб келинади ва ёқиб юборилади. Анча вақт ўтгач эса кулга айланган жасад қолдиқлари дарёга улоқтирилади...

Қотилликнинг қонли излари бу билан исзис йўқолиб кетгани йўқ. Кейинчалик канал соҳилдан топиб олинган жасад қолдиқлари суд тиббий экспертизаси ходимлари томонидан синчилаб ўрганилди. Тергов, суриштирув, изланишлар натижасидаги хулосалар В.Камолова бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари ушбу жиноятга алоқадор эканлигини тасдиқлайдиган далилларни аниқлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг Ш.Сулаймонова раислигида ўтган очик суд мажлисида мазкур жиноят иши атрофлича кўриб чиқилди. Келтирилган асосли далиллар, кўрсатмалар жиноятнинг асл мохиятини ойдинлаштирди. Нихоят ҳукм ўқилди. Унга кўра Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-банди "в", "ж", "н" қисмлари билан айбдор деб топилган Виолетта Камолова 15 йил, Андрей Камолов 19 йил, Нурулло Хожиакбаров 19 йил, Карина Камолова 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари жиноят ишида иштирок эта туриб, тегишли идораларга мурожаат қилмагани, жиноятчилар ҳақида тўлиқ маълумот бермагани боис гувоҳ Кристина Кан моддий жазога тортилди.

Хулоса... Одатда биз ҳар бир воқеа-ҳодиса тафсилотини баҳолар эканми ўзимизча хулосалар чиқарамиз. Назаримизда, мазкур жиноят иши ҳақидаги энг ҳолис хулоса сифатида машҳур файласуф ва адиб Ромен Ролланнинг мана бу сўзлари мисоли бонгдай жарангласа фойдадан ҳоли бўлмас эди:

"Ҳожилик шайтоний гулхандан таралган шуълага ўхшайди. Агар уни шохлари осмон билан чирмашиб кетган дарахтга қиёс қилсак, ундан пшаймонлик мевасини кутиш мумкин. Модомки, жоҳиллик инсоннинг ҳар хил тайда манфаатлари билан тил топишса бундан ортиқ бедодлик бўлмайди".

Шоира СУЛАЙМОНОВА,  
Жиноят ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар суди  
судьяси.  
Хидирали ПАНЖИЕВ,  
журналист.

## Ҳукм қилинди

ҚОТИЛЛИКНИНГ  
ҚОНЛИ ИЗЛАРИ

Виолетта Камолова ҳамда Андрей Камоловлар курган оила узокқа бормади: улар тез фурсатларда қонуний ажралишди. Андрей ҳам шуни кутиб юрган экан шеклими, хотини билан пачакилашиб ўтирмади, тез орада бошқа бир аёл билан турмуш курди. Аммо, собиқ эр-хотинларни кўзга кўринмас ришта боғлаб турарди. Бу уларнинг қизи — Карина Камолова эди. Донимандлар фарзандни қалбининг кўридан бино бўлади, деганлар. Гарчи Андрей эндиликда бошқа оила вакили бўлсада собиқ турмуш ўртоғи ва қизидан умид узиб кетолмади. Уларниқига келиб турадиган бўлди.

топа олади.

— Хуллас, ўша яшашмагур Баҳодир деганларни қизимизни мажбурлаб олиб кетиб, ертўлага қамаб қўярмиш, — дейди Виолетта афсус билан кўзи ёши тўкиб Андрей билан Нуриллога. — Ҳалиям Каринанинг ўзи бу ҳақда лом-ми демайди. Бу гапларнинг аксариятини менга унинг дугонаси Кристина айтди.

Шу аснода В.Камолова гуруҳ аъзолари унинг уйда ўзаро тил бириктирадилар. Бунда муқаддам судланган, 1967 йилда туғилган, А.Камолов, Виолеттанинг яқин "дўсти" Н.Хожиакбаров, 1988 йилда туғилган 242-ўрта мактабининг 9-синф ўқувчиси Карина Камолова ва унинг дугонаси Кристина Канлар иштирок этадилар.

Шундай қилиб Карина келишилган режага кўра ҳеч нарсадан беҳабар Баҳодирнинг уйига кўнғироқ қилади. Гушақни унинг ўзи кўтарди.

— Бугун бизниқига кела олмайсанми? — дейди Карина овозига жилвагар тус бериб.

— Нимага энди? — дейди Баҳодир ҳеч нарсага тушунмай.

— Нимага бўларди?! Ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Очиғи, сен билан қочиб кетмоқчиман. Фақат онам билмаслиғи керак. Нарсаларини тайёр: бугун кела қол-л...

...Кейинчалик Карина очик суд мажлисида кўрсатима берар экан Баҳодирни ўлдириш учун вақт етилганлигини таъкидлайди. Яъни унинг айтишича шу вақтга қадар Баҳодир учун зўрлик йўли билан ному-сини поймол қилиб келган, ҳатто бир неча мартаба ундан орттирган fairкционий фарзандининг умрига зомин бўлишига ҳам сабабчи бўлган,

шундан сўнг она-бола Камоловалар бир неча мартаба кулукни муҳофаза қилувчи идора ходимларига мурожаат этишган. Бироқ натижа чикмагач, бу масалани ўзларига ҳал қилишмоқчи бўлишган...

Лекин афсуслар бўлсинки, К.Камолова берган кўрсатмалар асосидаги тергов, суриштирув ҳаракатлари қутилган натижаларни бермади. Ҳаммаси Карина ўйлаб топган бўхтон эканлиги аниқланди.

... "Севгилиси"нинг ширин алдовларига ишонган Баҳодир соат 16.00ларда уларниқига келади. Бу вақтда уни ўлдиришга қасд қилганлар ўз "пости"ни эгаллаб бўлишганди. Аниқроғи, А.Камолов хожатхонага, В.Камолова ошхонага, Н.Хожиакбаров эса балконга яшириниб улгурганди. Баҳодир эшикдан кириши билан унга биринчи бўлиб Андрей ташланади ва бўға бошлайди. Қотиллар уни тўхтовсиз таъкиб этадилар. Бу орада қаердандир пайдо бўлган Карина йигитнинг бошига ўқловни зарб билан уради. Н.Хожиакбаров эса югуриб бориб, жанжал-тўполон қўшилларга эшитилмасин деган мақсадда магнитосон овозини баландроқ кўтариб қўяди...

Қотиллар Б.Ҳакимовни ошхонага олиб қиқишганида у секин-аста жон таслим қилаётгани боис ҳаракатлари сустлашиб қолганди. В.Камолова ва бошқалар Баҳодирнинг ҳаёт билан видолашганига тўлиқ ишонч ҳосил қилганларидан сўнг, энди уни қай тариқа бир ёқлик қилиш устида бош қотирадilar. Бу гал ҳам "ақлли" гапи Виолеттанинг ўзи айта қолади: "Жасади эски телевизор қутисига солиш керакда, сўнгра бирор дарёғами, ишқилиб каттароқ сув ҳавзасига ташлаб юбориш даркор".

Шундай қилиб Б.Ҳакимов

**Спорт**

**ЧАВАНДОЗЛАР  
ОТ ЙЎРТТИРДИ**

Шаҳримиздаги Республика отчопарида чавандозлик бўйича аёллар ва эркеклар ўртасида пойтахт очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Кўплаб кучли чавандозлар галаба учун кураш олиб борган мазкур турнир бўлгуси. Ўзбекистон чемпионати олдидан кулларнинг ўзига хос синови вазифасини ўтади.

Кизикарли ва ҳаяжонли беллашувлардан сўнг ҳар хил турлар бўйича шаҳар чемпионатларининг номлари маълум бўлди. Жумладан, от йўрттириш бўйича биринчи рақамли соврин Грум лақабли отда иштирок этган Республика олий спорт маҳорати мактаби вакили А.Лисьякка насиб этди. Шахсий совринга эса Репортаж лақабли отда бахс уюртган Е.Павловская (юқоридаги мактабдан) эга бўлди. Кичик мукофот учун ўтказилган беллашувда ҳам омад Грум отида иштирок этган А.Лисьякка кулиб боқди. Гарант лақабли отда у иккинчи натижа кўрсатди.

Учураш бўйича ҳам Республика олий спорт маҳорати мактаби вакили А.Карпова Гарант лақабли отида шаҳар чемпионати бўлди.

Маълумки, чавандозликда Конкур ўзининг бир нечта йўналишларига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан Конкурнинг М-110 машқида пойтахт вилояти вакили И.Содиқов Эквадор лақабли отда галаба нашидасини сурди. Ушбу баҳсда ҳамшаҳримиз А.Локтев Сара лақабли оти билан қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади.

М-115 машқида ҳамшаҳримиз У.Хошимов Эскадрон лақабли отида голиб чиққан бўлса, А.Локтевга ушбу йўналишда иккинчи ўрин насиб этди.

Конкурнинг М-120 йўналиши бўйича Тошкент вилояти вакиллари И.Содиқов ва И.Йўлдошевларга тенг келадиганлар топилмади.

Нихоят М-125 машқида Республика олий спорт маҳорати мактаби вакили М.Мусаев голиблар сафини бошқарди.

**ЮҚОРИ  
НАТИЖАЛАР  
КЎРСАТИШДИ**

Бухородаги «Семурғ» сув ҳавзасида сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионатининг сўнгги учинчи босқич беллашувлари бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, 34 та йўналишнинг аксарияти голиблари халқроқ тоифадаги спорт устаси ҳамда спорт устаси талабларига мос натижаларни кўрсатдилар.

Албатта, чемпионатда етакчи сузувчиларимиз юқори натижаларга эришиб, галаба нашидасини сурдилар. Жумладан, Ирина Шлемова 50, 100 ва 200 метрга эркин сузиш, 50 ва 100 метрга баттерфляй усулида сузиш борасида қатор галабаларни кўлга киритган бўлса, Равил Нацаев ҳам эркин, ҳам баттерфляй усулида 50 ва 100 метрлик масофаларни биринчи бўлиб забт этди.

Еш сузувчилардан эса Ш.Юнусов ва С.Паньковлар яхши натижалар кўрсатишди.

(Ўз мухбиримиз)

**Болалар спорти**

Болалар спортини ривожлантириш ва унинг техник базасини такомиллаштириш, оммавий спорт тадбирларига ёшларни кенг кўламда жалб этиш мақсадларида шаҳримизда қатор тадбирлар ва амалий ишлар бажарилмоқда.

**ОИЛАВИЙ  
ЖАМОАЛАР КУЧ  
СИНАШДИ**

Айниқса Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, «Соғлом авлод учун» ҳамда «Маҳалла» жамғармаларининг Тошкент шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда болалар спортининг оммавийлигини янада ошириш, жойларда оилавий спорт мусобақаларига спортчи оилаларни жалб этиш борасида тизимли равишда ўтказилаётган 2 босқичли мусобақаларнинг самарали кечаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Жумладан, «Сихат-саломатлик йили» муносабати билан «Биз соғлом ва кучли оила» шiori остида туманларда спортчи оилалар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Фолибликни кўлга киритган жамоалар шаҳар босқичига йўлланмага эга бўлдилар.

Кунга кеча Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида мусобақаларнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақаларда туманларда ўтказилган саралаш босқичининг голиблари бўлиш — Юнусов, Собир Раҳимов, Бектемир, Акмал Икромов, Мирзо Улугбек ва Миробод туманларидан биттадан оилавий жамоалар иштирок этишди. Мусобақа шартига кўра оилавий жамоалар отана ва 14 ёшдан катта бўлмаган камиди иккита фарзанддан ташкил топди.

Катнашчилар учун ниҳоятда кизикарли баҳслар уюштирилганлигини таъкидлаб ўтиш ўрини.



**Кўргазмалар**

**ШАРҚ АЁЛЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги халқроқ Маданият қарвон саройида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъдодли расом Бахтиёр Назаровнинг «Шарқ аёллари» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Расомнинг ижодий йўлига назар ташлар эканмиз, унинг расомчилик, сценография ҳамда 54 та тўлик метражли фильмлар, бир қанча рангтавир чизгиларини яратишдаги улкан меҳнати ва фаолияти намён бўлади. Расом Шарқ аёллари, гўзал ва серкувёш Наманган, унинг меҳнаткаш одамлари, уларнинг кундалик ҳаёти, бахтли оилалар каби мавзуларда ижод қилишни хуш кўради. Ўз тасаввурига ва индивидуал услубига эга бўлган мусаввир ўзбек кинематографияси ҳамда рангтавир санъатига катта ҳисса қўшган ижодкор Бахтиёр Назаровнинг асарларида турли йўналиш ва жанрларга оид кизикарли ечимларни кўрамиз. Ижодкорнинг кўргазмадан ўрин олган асарларида бевоисита Шарқ аёллари билан боғлиқ мавзулар, жумладан аёлнинг муқаддаслиги, гўзаллиги, бетакорлиги, онахонларнинг мўтабарлиги тасвирланган. Айниқса, «Оғир юк» асари фалсафий ғоялар билан йўрилгандир. Асарда аёлнинг руҳий чарчаши, кундалик ташвишларнинг



ли. Улар масофадан туриб тўп билан 5 та кеглини уриб йикитишлари, футбол тўпини энг кўп марта дарвозага аниқ йўллашлари, арқондан сакраб туриб тезлик билан тўсқидан ошиб ўтишлари, қол ичида сакраб бориб, тўсқидан ошиб, баскетбол тўпини саватга ташлашлари, рақибларини волейбол тўпи орқали «овлаш»лари лозим эди. Шартларни қаққонлик билан, хатоларга йўл қўймаган ҳолда (жарима очколарисиз), аниқ ва тез бажарган оилавий жамоалар энг кўп очко жамғариб голиблар сафиндан ўрин олишди.

Кизиги шундаки, Юнусов тумани шарафини химоя қилган Хонсаитовлар оиласида энг ёш иштирокчи — 6 ёшли Мунира Хонсаитова мусобақа шартларини қатталар билан бирга бажаришга ҳаракат қилди. Шундай қилиб, мусобақанинг биринчи йўналиши бўйича Миробод туманидан Усмоновлар

оиласи олдинга чиқиб олган бўлса, иккинчи тур бўйича омад Мирзо Улугбек туманидан келган спортсеварлар оиласига кулиб боқди. 3 ва 4-йўналишларда ҳам мирободлик оила устун келди...

Ҳакамлар томонидан барча йўналишлар натижалари бўйича очколар сарҳисоб қилинганида Миробод тумани вакиллари — Усмоновлар оилавий жамоаси барча шартларни аъло даражада бажарганлиги сабабли биринчи ўринни эгаллаганлиги маълум бўлди. Собир Раҳимов туманидан Хасановлар оиласи иккинчи бўлди. Бектемир туманидан Рискиевлар оиласи эса учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Фолиб ва совриндор жамоаларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар, бошқа қатнашчиларга — рағбатлантирувчи совғалар топширилди. Юнусовлик 6 ёшли Мунира Хонсаитова «Энг ёш қатнашчига» махсус соврини билан тақдирланди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ  
СУРАТЛАРДА: «Биз соғлом ва кучли оила» шiori остида ўтказилган оилавий мусобақалардан лавҳалар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.**



**Сўқибол**

**ТЎРТИНЧИ ТУР  
ЯКУНЛАНДИ**

**КЕЧА**  
мамлакатимизнинг бешта шахрида XIV миллий чемпионатнинг тўртинчи тур беллашувлари бўлиб ўтди.

Аввалги турда «Шўртан» жамоасини сафарда 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган «Трактор» жамоасига Жиззахда «Сўғдиёна» билан ўтказилган учрашув омад келтирмади. Кизикарли, мурасиз, ҳужумларга бой беллашув 1:0 ҳисобида жиззахликларнинг галабаси билан якунланди.

Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд-Динамо» — «Навбахор» — 1:0, «Металлург» — «Насаф» — 2:3, «Бухоро» — «Машъал» — 4:0, «Тўпаланг» — «Шўртан» — 0:0

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Юлдуз РИЗАЕВА



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳаётин — 2 босма табоқ офсет усулида босилган.  
3868 нускада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
босқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўро» кўчаси, 41-уй.